



«МАХАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

ВА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» КЎШ САҲИБАСИ

Махалламиз Тошкентнинг марказида жойлашган. Худудимизда маъмурий идоралар, институтлар, турли таъхилот ва муассасалар кўп. Бу ердаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли кўплат миллат вакиллари билан ташкил топган.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Махалла оқсоқоли, шахсий нафақахўр С. Қосимжонев ўзининг 12 нафар маслаҳатчиси билан жамоага ана шу яхбатларни эътиборга олган ҳолда раҳбарлик қилаётти. Барча ташкилий ишларга фаоллар ва кенсалар билан бамаслаҳат ёндаштиради. Шу боис кейинги пайтда махалламизда катта ўзгаришлар рўй бермоқда.

Махалла оқсоқоли ва янги сайланган фаоллар ишни аввало ободончилик, тўй-маъракаларни намунали ўтказиш, ёшлар тарбияси билан амалий шугулланиш, кенсалар, беморлар ҳамда ночор оналарга ёрдам кўрсатишдан бошлади. Фикримиз далили сифатида 73, 75-уйларда истижодат қилган ҳамда янги-лари ва қариндош-уруғлари бўлмаган қа-

риятлар вафот этишганда дафн маросимларини барчамиз биргаликда ўтказганимизни айтиб ўтиш ўринлидир.

Ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш ҳамда уларни касб-хўнарга ўргатиш мақсадида махалла қошида расмчилик, тикувчилик, тузу ва араб тилларини ўргатувчи тўғрақлар оқшомида кўзда тутилади. Бу вазифани техника фанлари номзодлари Л. Лукашевич ва С. Қурбоновлар ўз зиммаларига олишди.

Яқин кунларда махалла аҳли эҳтиёжини қондирадиган новвойхона ва сазавот дўконини очиб режалаштирилади. Янги йил арафасида худудимизда ишга тушган тўғри дўкон аҳолига, айниқса қарияларга катта қўлайлик яратди.

Махалла оқсоқолининг таъкидлашича, турли кичик корхоналар очиб учун имкониятлар мавжуд. Бу борада худудимизда жойлашган идора ва ташкилотлар ёрдам кўрсатишмоқчи.

Бундай вазифаларни бажариш учун саъй-ҳаракат қилаётган оқсоқолимизга ақиндан ёрдам бериб, жонбозлик кўрсатган Қ. Тоиров, У. Умаров, М. Қосим, Х. Ғулом, Л. Лукашев, А. Алхова каби фаолларнинг номини алоҳида таъкидлашни истардим.

Анвар МУҲИДОВ,

Миробод туманидаги Шароф Рашидов махалласи фаоли, Тошкент давлат техника университети доценти.

СУРАТДА: махалла фаолларидан бир гуруҳи.



Шаҳримизнинг марказий бозорларида савдо расталари қаторида нисоблар, ҳунармандларнинг дўконлари ҳам ўрин олган. Бу ерда улар бешик, эшик, дераза, қишлоқ хўжалиги буюмлари, тукумлар ясаб аҳолига хизмат қиладилар. Баъзан уларнинг орасида кичик-кичик чархчилик, чегачилик дўконларини ҳам учратиш қоласиз. Ташқаридан қараганда кўзга унча ташланмайдиган бу дўконлар халқнинг ҳолатини чиқарадиган жой ҳисобланади. Қачон қа-

ишни биров кузатиб турдик-да, уни ганга солидик. У ўзини Ислом Раҳимов деб таништирдик. — Мен ана шу бозорда 34 йилдан бери чегачилик қиламан, — дейди у ишнинг давом эттириб. — Бу касб менга ота мерос. Бизнинг авлодида ишнинг ота-буваларим чегачи бўлишган. Мана энди биз давом эттиришимиз унча. Қўриб турибсиз, буюртма — пайдарпай тушиб туради. Эрталаб ўндан кеч соат бешгача қўлим қўлимга тегмай-

зир бозорда битта чинин чойнак 7—8 минг бўлиб турган пайтда Ислом ота битта жўрмани ёки банди яши юртимизни ҳеч ҳам оғринтирмайди.

Дарҳақиқат, уста буюртмани узоқ ўшламай таъмирлайди. Шунингдек иш пухта ва пишди.

— Баъзан синган ёки дара кетган буюмлар эсдалик соғна, қимматбаҳо бўлиб, ташлаб юборишга кўз қиймайди. Шундай ишларни ҳам қиламан, — дейди Ислом ота.

У нафақат чинилар, шунингдек биллур идишлардан тортиб кўйишларини ҳам таъмирлайди. Ислом отанинг ноёб касбидан, хизматидан эл-юрт мамун.

Шу бозорнинг ўзидан ишлаётган чархчиларнинг олдига ҳам ўтдик. Уларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Кимдир болта, кимдир пичок, қайчи каби рўзгор буюмларини чархлатаяпти. Биз улар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Бундан беш-олти йил илгари дўкондан олган пичок, қайчи каби буюмларни уйда ўзимиз қайроқ билан чархлардик, — дейди Чўпонота махалласида истижодат қилувчи ўқитувчи Самиев Турсунов. — Унда биринчидан вақтни кўп сарфласак, иккинчидан кўнгалдагидай чархлай олмас эдик. Мана ҳозир ҳар бир бозорда ана шундай чархчиларимиз бор. Ҳоҳлаган пайтда рўзгордаги ўтмаслашган буюмларни олиб келиб чархлатишимиз мумкин.

Унинг фикрини Чўпонота тумани, И-24 мавзе, 5, 15-уйда яшовчи Дилдором Эрматов давом эттирди. — Чархчилик бундай олиб қараганда арзизмаган касбга ўхшайди. Аммо у керакли касб. Чунки биз, масалан, рўзгор буюмларини чархлай олмаймиз. Эрматовларимиз ана гоҳ вақти бўлади, гоҳида йўқ. Шундай пайтларда бозордаги чархчилар бизнинг жонимизга оро киради. Ҳар ҳолда халқимизнинг «Чўмчуқ сўвса ҳам қасбос сўвсан» деган мақоли бениз айтилмаган.

Назира ҚҮРБОН қиз.

Фаоллар келишиб олишди

Шайхонтоҳур туманидаги «Саноат» махалласида фаоллар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Республика «Махалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни асосида режалар белгилаб олинди. Махалла оқсоқоли Фазлиддин Саъдуллаев бу борада ахборот берди. Шундан сўнг қилинаётган ишлар ҳақида фаоллардан Рихси ота Қодиров, Абдурахмон ота Нажмиддинов, Гани ака Алиев, Ғуломиддин ота Нуриддинов ва бошқалар ўз таълиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Махалла аҳли яқин келажакда тикувчилик кичик корхонаси очиб, шунингдек новвойхона ва бозорча қуришга келишиб олишди.

Ҳошимжон САИДАЛИЕВ.

Акмал Икромов туманидаги 22-мавзе негизда ташкил қилинган «Истиқлол» махалласи бўй кўрсатиб бораётган жамоалар сирасидан. Бу худуддаги 1422 хонадонда турли миллатга мансуб 4500 нафардан ортиқ киши яшайди. Қўблжон Эсонов яқинлиги билан махаллага оқсоқол этиб сайланди.

* Кўп қаватли уйларда

ЭЗГУ НИЯТЛАР УШАЛСИН

Яқинда ушбу махалла хайрли ишлар идорасига кириб, стол устида бўлган махалла маданий марказининг лойиҳасига кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, ушбу оқсоқолнинг ўзи чизган экан.

— Лойиҳани туман ҳокимиятида ҳам қўллаб-қувватлашди, — деди кўлимсиз раб Қўблжон ака. — Марказини бунёд этишга жой ҳозирлаб қўйганмиз. Энди ҳамма гап ҳолийларимизда қолган. Махалламизни ота-бизга олган туман меҳнат биржаси ҳам бу хайрли ишдан четда турмайди, албатта. Келгусида барча қўлайликларга эга бўлган маданий-маиший бинолар мажмуидан иборат гузар қад ростлайди. Унинг олдида фав-

диққатта сазовордир. Ириги тартиб ташкилотига эга бўлган «Умид», Аҳмад Иса-

Узбекистон Халқ демократик партиясининг нуфуз ортиётганлиги ҳозир оддий фуқароларимизнинг сафига ўз хохин-роҳларини билан кираётганлари ҳам исботлаб туради. Махалла оқсоқоллари ва фаоллар ташаббуси билан 42 та махалладан 25 тасида Ўзбекистон ХДП бошлангич тартиб ташкилотини тузилганлиги ҳам

вий, Усмонов, Наврўз, У. Носир, Бобур номида фаоллар ўзгаларга кўп ишларда ўрнатилмоқда. Айниқса «Тарновбо-

ши» махалласи оқсоқоли Қўчқор ака Эрматов махалла ХДПс котиби Амиржон ака Со-

ғи кунда 20 нафар Ўзбекистон ХДПс аъзоси бор. Партия аъзоларидан Ҳикмат ака

* ХДП: ҳудудий ташкилотларда НУФУЗИ ОРТАПТИ

тибодиев билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари мақтовга сазовордир. Махалла бошлангич тартиб ташкилотини ҳисобда ҳозир-

Усмонов, Жамол ака Зоиров, Алҳам ака Каримов, халқимизнинг сеvimли бастакорлари Тельман Ҳасанов ва

Тўлқин Тошматовлар ўз махалладошларига бош-қош бўлишмоқда. Энг муҳими, партия

— Партия ташкилотимизга кириш учун хайрихоҳлар сонини орттириш боримизда, — дейди Қўчқор ака Эрматов. — Шунинг учун ҳар ойнинг 20-кунини махалла чойхонасида ХДП фаоллари иштирокида фаоллар йиғилишини ўтказишга келишиб олдик.

Назира СОДИҚОВА.

Абдулмоним РАҲИМОВ, Ўзбекистон ХДПсн Хамза тумани кўрқичисини.

* Хунарларнинг қўли гул

БАРАКА ТОПИНГ, ЧЕГАЧИ АМАКИ!

раманг, дўкон одамлар билан гавжум бўлади. Айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти шариоитида бу ерга келувчилар кўпайган. Илгарида рўзгордаги биров чойнакнинг жўрмани, банди синиб қолса ёки пиёла, коса дарз кетса, ташлаб юбориларди. Эндиликда улар қайта таъмирланиб, ишлатилипти.

Орада маълум вақтга одамлар чегачиларга мурожаат қилмай қўйишганди. Шу туфайли бу миллий хунармандчилик тури ҳам уништи. Аммо у буткул йўқолиб кетмади. Унга ана талаб ортимоқда.

Ҳар бир махалланинг, бозорларнинг ўз чегачилари, чархчилари бўлади. Уларни кўпчилик танийди. Яқинда биз Бешбўғ деҳқон бозорига бўлганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Бозорнинг кираверилишида жойлашган, чегачилик дўконини бирадиган илгач олмайсан. Лекин шу ердиги истаган одамдан сўрасангиз ушбу кўрсаткич қўйишганди. Бу ерда ёши 75 ларни қораллаган, аммо кўриниб турганда анча тетик отахон ишлар экан. Чойнакнинг синган жўрмани, бандини эгичлик билан қоқайтган бу одамнинг


ди. Оз бўлсаям бизнинг ҳам одамларга нафимиз тегаяпти ҳар ҳолда.

Ислом ота Раҳимов Чўпонота тумани «Новоа» махалласида яшайди. Махаллада катта-кичинининг хушматини қозongan, ири-бадавлат отахонлардан. Унинг тўғри ўли, бир қизи, йигирма уч набираси ва битта эвараси бор.

Ислом ота бу касбини фарзандларига ҳам ўргатган. Айниқса, катта ўғли Иброҳимжон бу ишнинг устаси. У ишдан бўш вақтларида отасига ёрдам беради.

Муъжазига дўконча де-вориди Ислом отага халққа ҳайол хизмат қилгани учун барилан фахрий ёрликлар, дипломлар оқилган. Миллий хунармандчиликни ривон-ланттиригани учун «Олтин қўли уста» унвонини билан тақдирланган.

— Устанинг бир аjoyиб одати бор, — дейди унга буюртма олиб келган Ёдгор Умаров. — Тузаттиришга биров буюм олиб келсангиз, «бозорини бир айланиб чин-кин ўзим, ишнинг таъбир бўлади» дейди. Ҳақиқатан ҳам бироздан кейин келиб буюртманингизни олиб кети-шингиз мумкин. Яна нархи жуда арзон. Масалан, ҳо-



Ҳозирги кунда махалла гузарларида аҳоли эҳтиёжини учун зарур бўлган маиший хизмат турларини ташкил этишга алоҳида эътибор бериляпти. Кўнча даҳасидаги «Бисмолобод» маданий марказида ҳам бу борада ибратли ишлар қилинмоқда.

СУРАТДА: марказдаги радио ва телевизорларини соғлаш устaxonасида усталар соғлашга иштирокчи телевизорни кўздан кечираётган пайт акс эттирилган.

Зўҳрилла Шамсиев сурати.

воралар ҳам ўрнатилди. Атрофи ободонлаштирилиб, кўчалармозорлаштирилди.

Махалламиз фуқаролари жуда аҳил ва инсоф яшади. Ҳар ва тантаналар ҳамда бошқа маросимларни баҳамжи-хатликда ўтказамиз. Қайси миллат вакили эканлигиндан қатъи назар доимо бир-биримизнинг ҳолийларимиздан хабар олиб тураемиз, ахши ва ёмон кунларимизда бирга бўламиз. Масалан, ўтган йили Наврўз байрами ва Мустақиллик кунини биргаликда нишонладик. Унда турли миллатларнинг тоимлари танловини ўтказилди. Бу йил ҳам ана шу анъанани давом эттириш ниятимиз бор.

Яқинда махалламизда истижодат қилувчи фуқароларимизнинг саъй-ҳаракати, яъни ҳашар йўли билан қарияларнинг маслаҳат уйини қуриб битказдик. Эндиликда 100 дан ортиқ кенсаларимиз бу ерда бир пиёла чой устида тур-рунлашиб, бўш вақтларини маъмурий ўтказмоқдалар. Кам таъминланган ва буювчиликдан айрилган оналарга моддий ёрдам бериб турибмиз. Тўйлар ва маъракаларни илоки борида чинимсиз ва ихчам ўтказишга ҳаракат қилишимиз. Биз яқинда уйма-уй юриб, худудимизда 27 та хона бўш ётганлигини аниқладик. Кўп қаватли уйларимизда икки ва уч оила бирга яшайдиган хонадонларимиз ҳам бор. Шу боисдан яқин кунлар ичи-да туман ҳокимиятига мурожаат қилиб, бўш ётган хоналарни уй-жойга муҳтож бўлган ана шундай оналарга беришларини сўрамоқчимиз. Бир сўз билан айтганда, махалламиз келгусида энг аҳил, энг обод ва энг инчумали махал-лалардан бирига айланишини истаймиз.

Исмом ЗОИРОВ.

Исмом ЗОИРОВ.

Исмом ЗОИРОВ.

«ХУМО» ДАСТАСИ

— Албатта. Первфуральск шаҳрида концерт берганимизда «Солншца» дастаси билан ҳамкорликда концертлар уюштирдик. Жамоамизнинг раҳбари Анатолий Шчербаков жуда мусиқига ижро этишди. Бундай ҳамкорликни кенгайтириб бор-тушунадиган кишилардан экан. У Ўзбек миллий куй ва

лазгиси» ҳамда «Бари гал» кўшиқларини Шчербаков раҳбарлик қилган дастага ўргатдик. Улар кузатиш чо-ғида «Бари гал» кўшиқини ижро этишди. Бундай ҳам-корликни кенгайтириб бор-тушунадиган кишилардан экан. У Ўзбек миллий куй ва

«Хумо» жамоаси киши-лар қалбига ҳузур бахш этувчи, дил торларини чер-

тувчи кўшиқлар яратишга ҳаракат қилмоқда. Қидрабе-гим, Увайсий, Машраб, Али-шер Навоий ғазаллари билан айтиладиган мумтоз ашула-лар мароҳат билан қуйлани-ши туфайли мухлислар ол-қишига сазовор бўляпти. Шаҳримиздаги «Мевазор», «Мустаҳкам», «Янги ҳаёт» махаллаларида ўтказилган

қўйлаб тадбирларда даста ҳам иштирок этди.

— Санъатга ошно қалблар гўзаллигини кўкур аниглай олади, — деди Зибедулла Махматов суҳбатини давом эттириб. — Бундай кишилар ҳар бир нарсани ҳамжиҳатлик ва маслаҳат билан ҳал қиладилар. Ойлада ота-онамизнинг маслаҳати билан иш юриамиз. Томошабиналарга тақдим этиладиган куй ва кўшиқлар ҳам аввало онамиз аъзолари кўригандан ўтди. Ҳозирги кунда Сайдулла, Лутфуллаев даста хонадон-лари ҳисобланишади. Шунингдек, уларнинг Асатулла зарбли асосларда, Ҳайрулла афғон рубоиди, Шукрулло дуторда жўр бўлмоқда. Шухратилла укамиз доира-да Ўзбек оҳангларини маҳорат билан ижро этиб концерт-ларимизга атай бағишла-моқда. Намозиддин Карома-тов куй басталайди.

«Хумо» дастаси шу кун-ларда Наврўзга бағишлаб «Улкамизда баҳор нафаси» деб номланган янги дастур тайёрлаш билан машғул. Наврўз, Баҳор, Ёшлик, ис-тиқлол ва Ватан тараним этиладиган янги концерт томошаси тез орада томоша-бинлар хукмига ҳавола эти-лади.

Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ, драматург.

СУРАТДА: «Хумо» даста-си аъзолари куй ижро этиш-моқда.

Козим Ғаммасов суратлари.



Бектемир шахримизнинг кенжа тумани ҳисобланади. Худудда янги унта маҳалла мавжуд, уларнинг ҳам олти-септа кўп қаватли уйлардан иборат. Туманининг айнан ана шу навқиронлиги ҳар бир масалага шароитдан келиб чиқиб ўзига хос таразда ёндошишга ундайди. Сабаби — аҳолининг катта қисми янги кўчиб келганлар. Шу билан бирга бошқа туманларга нисбатан кўпмиллатли.

— Ҳақиқатан ҳам туманимизда турли миллат вакиллари истифода қилинади, — дейди Бузоячи маҳалласи оқсоқоли Убайдулла Сарсенбоев. — Маҳалламизда ҳар бир миллат маданиятини ҳурмат қилиш билан бирга уни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Масалан, қозоқ маданияти шўба-сининг раиси Мамадали Султонов диққатга арзийдиган ишлари амалга оширилган. Ҳаммаҳаммиз Амонжол Маҳмуд ана шу шўба қосидаги думбра чертдиш тўрагага раҳбарлик қилади. Юрий Догай корей маданияти, Салима Арбутова татар маданияти жонқурларидир. Наврўз, Меҳророн каби миллий байрамларимизда бошқа миллат вакиллари ҳам бажонидил иштирок этишади.

Дарҳақиқат, илҳомий йўлнинг ўзи йўл. Бугунги кунда туман аҳолисининг саёҳат-ҳаракати тўғрисида Иргидорамаш, Узбургомаш, Мотор заводлари, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги каби ишлаб чиқариш корхоналари депр-

ИМКОН ТОПАЁТГАНЛАР



ли барча тадбирларда маҳаллаларнинг моддий аҳволини яқинлаштириб бериб. Бу борада Бузоячи маҳалласининг 5-темир-бетон конструкцияла-миш ишлаб чиқарувчи завод

билан йўлга қўйган ҳамюрт-лиги билан самаралар бер-моқда. Бундан ташқари хо-зира маҳалла қосида «Ар-мон» кичик корхонаси иш-гулланди. У асосан уй-

жойларни таъмирлаш, умумий овқатланиш шохобча-ларини қуриш, маданий тадбир-лар ўтказишда кўмаклашиш, тижорат ишлари билан шу-гулланди.

* Бектемир туманида

Туман ҳудуди илгарилари дашлик бўлган. Шунга кўра бу ерда ҳеч нарса экилмай бекор ётган ерлар мўлгина. Чунки унинг тупроғида тош кўп. Бирон нисолнинг бу-дай жойда ўсиб-ўниси амри маҳол. Аммо одамлар бу-нинг ҳам илҳомини топишди.

— Халқимиз табиатан яшаётган ерини обод қилиш-га мойил, — дейди туман маҳаллалар ишлари мурофи-лаштирувчи кенгаш раиси, Улуғ Ватан уруши қатнаш-чиси Яхё Ҳайруллаев. — Маҳалла оқсоқоллари билан кенгашиб, бекор ётган ер-ларга тоза тупроқ тўкиш билан бу жойларга мева қу-чатлари, сабзавотлар экиш-га бел боғладик. Хош бул-са инсон ҳар қандай ишни урдагани мумкин.

Яхё ота айтмоқчи бўла-нидир, илҳомимиз топа-ди. Зеро, бугунги кунда бир жойлик одамлар бўлатуриб маҳалладошлари билан тил топиш олмаётган, шароит етарли бўлса ҳам ободон-лаштириш ишларини турли баҳонолар билан пайсалга солиб келатганлар оз бўл-сада орамида учраб туради. Бектемирликларга хос ша-ронгта мослашиб олмай ти-ришқоқлик билан иш тутиш, илҳомуванлик, тошлоқда бўлса ҳам гўл ундиришга ни-тилувчанлик ҳислати бугунги кунда нақадар муҳим.

Абдулмоним АБДУРАХМОНОВ. СУРАТДА: тумандаги ҳам-жиҳат яшаётган хонадонлар-нинг бири.

МАҲАЛЛАМИЗ

Алломонинг номи билан аталган. Шуқуларни гултож бўлиб қадалган Меҳмонига дастурхон асалган. Аҳлининг этган шир маҳалламиз.

Одамлари очик қўнғил, юлдузидир. Бир-бирига меҳрибон жон сўзидир. Шу сабабдан ҳар кун қўнғил фазилдир. Елкадошу ҳамдам, ҳамкор маҳалламиз.

Ўзбекистон келажиги буюк давлат, Ҳамма юрда ардоқ топан суюқ давлат, Ноз-неъматга, оқ олтинга тўнғил давлат Раҳмонимиз шундай дийр маҳалламиз.

Чин юракдан белни боғлаб меҳнат қилсан Барча ишнинг соҳибин деб ўзин билсан, Нурга тўлар ана шунда ҳа, келажак, Ҳайрат билан ишончга ёр маҳалламиз. Тилда дoston тақдор-тақдор маҳалламиз.

Абдулла МАВЛОМОВ, Собир Раҳимов туманидаги Бегурий номи маҳалла фўзароси.

ТАРБИЯГА ҲАММА МАСЪУЛ


Сергели туманидаги Усмов Юсупов номи маҳалла комитети бу ердаги 232-мактаб ҳамда туман Ички ишлар бўлимининг бошқаруви билан ишлаш инспекцияси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Кейинги пайтда милиция рўйхатида турадиган онлалар ва мактабга келмайдиган болаларнинг ўйларига бориб бир неча марта суҳбатлар ўтказилди. Ҳар ойда уч маро-таба жамоат кенгашининг мажлиси ташкил этилган. Ўтган йили аҳоли баҳолабга ўқитган 35—40 нафар ўқувчига маҳалла комитети томонидан 500 сўмдан муко-фот пули берилди. Шу босқичдан ўқитишда яқин томонга ўзгаришлар бўлаётган ҳамда жамоат ишларида фаол қат-нашётган болаларнинг сони тўбора кўпайиб борапти.

Мактабда тумандаги мактабларнинг ташкилотчилари иштирокида ўтказилган йиллик мажлисда болалар маҳал-ла ҳамда болалар инспекцияси томонидан қилинган иш-лар кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди. Бу эса ўзининг яқин самарасини берди. Ўнг муҳими, маҳаллада Ёшлар томонидан солид этилаётган турли хил тартибузарлик қолдир-гани намойиб борапти.

Бундай ишлари ишлар туманидаги Гулистон маҳалла-сида ҳам амалга оширилган. Олиб боришдан профилакти-ка чора-тадбирлар оқибатида милиция ҳисобида турувчи ўн нафар ўқитишдан етти нафари бу рўйхатдан чиқари-лди. Яна иккита онлада соғлом муҳит юзга келтирилди. Ёшлар тарбиясига олиб масалалар муҳокама қилинган-да маҳалла фаоллари, муаллимлар, милиция ходимлари ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этиши одат тусига кириб борапти.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.



Нон — ризқ-рўзимиз, дастурхон кўрни, хонадонимизга ба-рака киритувчи нозим. Ҳозирги бозор иқтисодий широн-да шахримиздаги маҳалларда ҳам бозорга қараганда ар-зон ҳамда сифатли нонлар ёпишиб, аҳолига тортиқ қилина-гани кўнглимиз ҳондир.

СУРАТДА: тандирдан янги ўзилаётган нонларни кўриб туришда.

Козим Улмасов суратлари.

Маҳалладош

Мевали дарактлар буташни худди шу даврда, яъни кишининг иссиқ кунлари-дан фойдаланган ҳолда ўтказиш керак. Данаки (шафтоли, гилос, ўрик) ва ёш экилган бир, икки, уч йиллик мева да-рахтларини февраль ойининг охири, март ойида кўртаклар бўртмасдан ўт-казиш яқин натижа беради. Чунки да-наки мевалар уруғларга нисбатан бирмунча совуққа чидамсиз. Ёш мева дарактлари ҳам шундай.

Дарактларни буташда биринчи нав-батда даракт илдиз бўғизидан ва атро-фидан ўсиб чиққан бачки новдаларни чўғиртак қолдириб олиб ташлана-ди. Бачки новдалар кўпроқ олча ва тил-лос дарактларнинг атрофларидан ўсиб чиқади. Буларни бошқа ерларга қўчи-риб экиб, уларга яқин навли гилос ёки олча навларини пайванд қилиш мумкин.

* Томорқа

хўжалигинингизда

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ПАРВАРИШИ

Иккинчида, мева дарактларининг тана-сидан (илдиз бўғизидан) то пастки бирин-чи ён шохчага бўлган 50—70 см. масо-фадаги қисми) ўсиб чиққан новдалардан эҳтиётлик билан ток қайчиюлиб олиб ташланади. Кейинчалик дарактларнинг асосий шох-шаббаларини қалин со-салқин қилдириш, ортиқча рақобат шох ва новдаларни тангага тақаб кесилиди. Ҳаддан ташқари ўсиб кетган бир йил-лик новдаларнинг учдан бир ёки икки-дан бир қисми қисқартирилади. Синган, касалланган шох ва новдаларни, даракт шох-шаббасининг қайси қисмида жой-лашган қатъи назар ўткир қўл ар-ралар ёрдамида кесилиди. Бу ишларни ҳар йили ўз вақтида ўтказилса, даракт шох-шаббалари чиройли бўлиб, шох-шаббалар орасига кўш нурлар бир те-нисда тушади.

Шамолнинг эсиши ҳам яқин бўлиб, кўртаклар бир текисда бўради, туғила-ди, қўнғил мева туғди ва мевалар йи-рин, рангдор, сериқдан бўлиб етлади. Яқин шакланган мева дарактларида ҳосил сифати юқори бўлиб, бир йиллик новдалар нормал ўсади, дарактларда

мевалар кам қисмда тўқилади, намроқ тирговчулар талаб қилиб, кучсиз ша-моллар таъсирда, даракт шаббалари кўпда чайқалмайди. Натижада мевалар учга зарарланмайди.

Айниқса шафтолини ҳар йили кўр-таклар бўртмасдан кесиб туриш талаб қилинади. Чунки шафтоли дарактларида ҳосил бир йиллик новдаларда пайдо бўлади. Бундай новдаларни кўпроқ пай-до қилиш учун шафтолининг бир йиллик шохчаларининг учини томонидан 30—40 фозиз кесилди ва дарактда қолдирган кичкина новдалар оралишти кесилди. Кучлироқ ўсган мевали новдалар ҳам қисқартириб кесилди. Шундай қилин-ган тақдирда шафтоли мевалари йирик ва сифатли етилши билан бирга, келгуси йили ҳосил берадиган новдаларнинг пайдо бўлишига яқин замин яратилади. Мева дарактларида бир йиллик новдаларнинг узунлиги ўртача 35—45 сантиметрни ташкил қилиши ло-зим.

Қиш фаслида мева дарактларининг қатор орасида олинган ариқлар орқали яхоб сувидан январи — февраль ойла-ри ичда икки марта берилса, даракт-ларнинг асосий илдизлари жойлашган ер қатламларида етарли нам тўпланди. Сувлар таъсирда ер қатламларида қол-иб қолган зараркушда гўмбалари ва ту-хумлари қирқилиб кетади. Шу билан бир-галликда кўзда ёки қиш фаслида ерга солинган бир қисм озиқ-элеметларни илдиз жойлашган қатламларга сувда эриб силишиб тушади. Бу билан даракт-ларнинг озикланиши янада яқинлана-ди.

Кишининг иссиқ кунларида ортиқча бўлган 2—3—4 ёш ва ундан ҳам катта-роқ ҳисобланган олма, нок каби мева дарактчаларини керакли ерга қўчириб экиш энг яқин муқаддас ҳисобланади. Бунда албатта уларнинг илдизларини тўлиқроқ сақлаб қоллишга катта аҳамия-ти берилади. Олиб бориб экиладиган чу-қурлар илдиз ҳаминдан каттароқ бўли-ши зарур. Қўчириб экилган даракт шох-шаббалардан 60—70 фозиз бир текис-да қилиб қирқилиб, дарактларга керак-ли шакл берилади. Бундай қилишдан мақсад, дарактларни кўчириб экилган-да 40—50 фозизга яқин илдизлар ер қатламларида қолиб кетади. Бу билан дарактларнинг ер устки қисмининг нам ва озиқ моддалар билан тўлиқ таъминлаш қийин бўлади.

Қўчириб экилган даракт шох-шабба-сини керакли қилиб шакллантириш учун ортиқча новдалар олиб ташланади. Бир томонга қараб қийайишининг олдини олиш мақсадида даракт атрофига 4—5 та қозоқ қўриб, даракт тортиб бойлаб қўйилиши лозим. Кейинчалик қозоқлар олиб ташланади.

Мирҳон СОВИРОВ, қишлоқ хўжалиқ фанлари номзоди.



Улуғбек туманидаги Мустанқилик маҳал-ласида барча ишлар маҳалла фаоллари ва масъуллар билан бамасъалат амалга оширилган. Шу босқич ҳам бу масъалада ик-тимоний масалалар ўз вақтида ҳал этилмоқ-да.

Виктор Бегега сурати.

КўРСАТМА КУТЯПСИЗМИ?

Ўқшаш ёзувларини кўплаб уч-ратниш мумкин.

Нима бу тилимизни мен-симасликми ё лоқайдликми? Ё бунга ҳам бирор алоҳида кўрсатма керакми?

* Тоғжовон

тажани

шаҳар кезади



АСАББУЗАР

ҲАЙДОВЧИЛАР

КЕИНИНГИ пайтда айниқса трамвай ва троллейбуслар йўловчилар билан тирбанд бўлиб, оёқ қўйишга жой ҳам топилаётган. Бекатга яқин-лашганда эса ҳайдовчилар фақат олдинги эшикни очиб-лартиришга, нима, гапни-ни маса эшитинг.

Тунов кўни «Фарҳод» бо-зори бекатидан 4-йўналишда қатновчи трамвайга чиққан.

— Тоғжовон йини, борми-сиз. Бунинг қаранг, сизни ти-қилган трамвайда юрадидеб ҳеч ўйламаганда, Ма-на, транспортдаги тартибсиз-ликларни кўришганимиз. Ҳар кун аҳоли шў. Ҳайдовчилар хушларига келса орқа эшик-ни очибди, бўлмаса йўқ. Бунинг устига истаган жой-ларда тўхташади. Нега ҳеч ким уларнинг ишнинг назо-рат қилмайди. Нега ҳамма йўналишда қатновчи трам-вай-троллейбусларга патта-чилар қўйишмайди?

Ҳа, онахоннинг кўнганни-ча бор. Мен унга бирон-бир жўяли гап айта олмадим. Ким билди — дейсиз, балки мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ушбу мақолада ўзиб тегишли чора кўришар.

Тоғжовон акага Илҳам ЗАРИПОВ ҳамроҳ бўлди.

* «Соғлом авлод учун» танловига ЭРТНИ КЎЗЛАГАН—БОЛАЛАРГА САРФЛАЙДИ

Биз гапни айнан сўхатхонадан бош-лаганимизнинг боиси бор. Кабель кор-хонасининг бу муассасида 2-3 йил ав-вал аёллар касалликлари бўйича одий текширув ўтказилди, бирорта поликли-никага йўналма бериларди, холос. Ма-ҳаллада эса энг яқин сўхатхона шу ер-да. Ундан ташқари маҳалла аҳолининг 70-80 фозиз кабелсоз. Касал бўлган одам, айниқса аёллар ушбу-ушбуларда поликлиникага борадилар. Бирлашма ишлар ушбу-ушбуларда ўтиб, дарома-дига ўн еттилик қила бошлагандан ке-йин, раҳбарлар асосий эътиборни сўхат-хона фаолиятини яқинлашга қаратиш-ди. Чунки соғлини яқини киши бари-ни ишлайди. Эндиликда корхона ва ма-ҳалладаги аёллар ҳам ушбу-ушбулар бо-риш-майидиган бўлишди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва мадакани шифокор-лар улар хизматига. Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади.

Маҳалладаги 38, 59 ва 239-болалар боғчалари кўп йиллардан бери корхона остида. Ҳар йил илгари бу муассаса-лар тўла кабелсозлар тасарруфига ўт-ган. Ҳар учтада муассасанинг ходимла-рига бирлашма маош тўғилади. Боғча-ларнинг барча харажати ҳам корхона эгасида. Ҳозирги кунда мазкур боғ-чаларда 850 нафардан ортиқ кичкинтой-лар тарбияланмоқда.

— Боғчаларимизнинг шароити, — дейди 38-болалар боғчаси мудири М. Соатова, — шахримиздаги энг яқин тар-бия масканларидан қолмади. Биз асо-сан Ф. Ҳўжаев номи маҳаллада иш-овчи болаларни қабул қиламиз. Ҳар йил-ги қабул пайтида бошқа маҳаллалардан ота-оналар бизга илтимос билан кели-шади. Болаларимиз ҳар томонлама тў-кис бўлган шу боғчада тарбияланиши-ни истаймиз, дейишади. Шунинг ўзи бизнинг масканимиздаги шарт-шароит яқинлигидан далолатдир. Бирлашма раҳбариятига раҳмат, керакли ҳамма нарсани муҳайё этишади. Касаба уюш-маси комитетининг аъзолари навбат би-лан боғчаларни айланиб, назорат қи-лишади, камчиликларни, муаммоларни су-риштиришади.

Бизга корхоналар сингари бу ерда ҳам мол айирболаш йўли билан тур-ли хил озиқ-овқат ва нозиб моллар кел-тирилади. Шунинг эътиборини, қайси бир қўшма, иккари ёки кичик корхонага қандай буюм ёки маҳсулот келмасин, албатта биринчилар қаторида болалар боғчасига берилади. Ўтган йили «Матпал» иккари корхонаси йил бўйи

қанд ва шакар билан таъминлади. «Средазкосмос» қўшма корхонаси эса гўшт ва консервалар билан сийлади. «Спектр» қўшма корхонаси қўшма ме-беллар олиб бериб. «Чинор» иккари кор-хонаси эса боғчаларни таъмирлашга, қиш ва ёз мавсумига тайёришга масъул. «Вертикал» иккари корхонаси қўшма ва майдончаларни замонавий ёриткичлар би-лан жиҳозлади, кир ювиш машиналари тарқатди, чанготиқлар берди. «Светоч» ширкати ходимлари эса қишда ҳам мева қайнатмалардан болалар таъминлини-ни учун олма, ўрик, олхўри қоқилар келтириб берди. Шунинг ҳам диққатга сазоворки, маҳаллада ота-оналар бола-лар боғчаларида фарзандларининг тар-бияланishi учун энг кам ҳақ тўлай-дилар.

— Болалар боғчаларини моддий жи-ҳатдан таъминлашнинг ўзинига фар-зандларни соғлом бўлиб ўсишларига ка-фолат беролмайди, — дейди бирлашма касабга уюшмаси комитетининг раиси Иброҳим Розиков. — Болалар маъна-вий жиҳатдан ҳам баркамол бўлишлари керак. Шунинг ҳисобига олиб, биз боғча-ларимизда қўшма тарбия усулларини ташкил этдик. Русийзабон болалар учун ўзбек тилини ўргатадиган тарбиячи-муаллима машғулотлар ўтади. Ҳар бир бола боғчадан мактабга боргунга қадар инглиз тилида дастлабки сўзлашишни ўрганади. Яна жисмоний тарбияни чуқур ўзлаштиришни ҳам амалга оширишми. Катта гуруҳда тарбияланаётган болалар-га унутлабган ва айтишларда яна тикланиб бораётган қадимий шар-ах-лок-олиб аҳолиларидан ўргатишни бош-ладик. Буларнинг барчаси фарзандлар-нинг етук ва баркамол инсон бўлиш-ларига замин бўлади, деган умидимиз.

Ўтган йили шахримиздаги айрим кор-хоналар иқтисодий қийинчиликлар ту-файли шаҳар ташқарисидан болалар оромгоҳларининг фаолиятини тўхтатиш-га мажбур бўлишди. Бироқ кабелсоз-ларнинг Ёвстонлик туманидаги Хондой-лик қишлоғида жойлашган «Зилола» бо-лалар соғломлаштириш маскани ёз бўйи ўғил-қизлар билан гажам бўлди.

Ҳар бир боланинг бир мавсумда ҳор-диқ чиқариши учун 25 минг сўмдан сарфланди. Ота-оналар шу пулнинг 10 фозизини тўлашди, холос. Қолган хара-жатлар қўшма, иккари ва кичик кор-хоналар зиммасига тушди. Оромгоҳда ма-ҳалла болаларидан ташқари Оролбой туманларидаги экологик жиҳатдан оғир бўлган ҳудудлардан 122 нафар бола ба-ри таълими ўтказди. Кабелсозлар бу хайри ишни 1989 йилдан бери давом эттиришди. Ҳар йили Қорақалпоғис-тондан 100-150 нафар бола тоғ ҳаво-сида яйраб дам олиб, саломатлигини тиклаб қайтади.

Маҳаллада жойлашган 27 ва 113-ўр-та мактаблар ҳам кабелсозлар сазовати-дан баҳраманд бўлмоқда. Билим масканларини инстинг қурилмалари, электр энергияси, сув ва коммунал хиз-матлари бирлашма ҳисобидан қоплан-пти. Синф хоналари, умуман мактаб-ларни таъмирлаш, мебеллар, парта, ўқув қуроллари, тақрибда ўтказадиган асбоб-ускуналарни сотиб олишга ҳам моддий ёрдам берилади. 113-мактабда инглиз тили, химия ва компьютер билан иш-лашни чуқур ўзлаштиришга мўлжаллан-ган синфлар керакли ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланди. Кабел-созларнинг Маданият саройи маҳалла болаларининг севимли масканига ай-ланган. Бу ерда бир неча хил тўғарак-лар ишляпти. Болалар бадиний дастаси-да эса ўқидан ортиқ миллат фарзандлари тантаналарда қўшиқ ва рақслар билан давраларни шодлиққа тўлдиршади.

Ўйингоҳ болаларининг энг гажам жойи. Кабелсозлар тасарруфидан бу мас-канда ҳам доимо болаларнинг кулги-лари тинмайди. Футбол, теннис, волей-бол, қўл тўпи, гимнастика тўғаракла-рида 200 нафардан ортиқ ўғил-қизлар иш-тирок этишляпти. Маҳаллаларар спорт мусобақаларида фаол қатнашиб факрли ўринларни олишляпти. Ўйингоҳ ёндаги мўжазига бег эса кичкинтойлар ихтиё-рида. Бу ерда арғамчи, сирпанчи, нар-вон ва бошқа кўплаб жиҳозлар мавжуд. Болалар бўш вақтининг ана шу соғлом-лаштириш жойларида ўтказишади.

— Тиббиёт-санитария қисми, болалар боғчалари, мактаблар, оромгоҳ, мадания-ти саройи, ўйингоҳ ва бошқа фарзанд-ларимизнинг келажак учун хизмат қи-лаётган муассасаларга сарфлаётган мабла-ғимиз бир неча ўн миллион сўмни та-шкил этади, — дейди сўхат сўнгиди Иб-роҳим Розиков. — Биз ҳатто айрим за-рур ишлар учун ажратилган пулни ҳам иш масканларга беришимиз. Чунки бу энг катта фойда келтирадиган соҳа. Ахир фарзандларимиз ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсишсига катта режаларнинг амалга ошади, халқимиз фаровон, юр-тимиз бадавлат бўлади.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Танлов ҳомиши — республика «Ма-ҳалла» хайрия жағмағани.

